



ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШДА КРИМИНАЛИСТИК ҲИСОБ
ИМКОНИАТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Нуридинов Саидолим Саидкамол ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

ЭКБМ бошлиғи, полковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13734868>

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда сўнги йилларда одил судловга эришиш жараёнида криминалистик ҳисоблардан фойдаланиш йўналишида амалга оширилган ислохотлар, мазкур соҳада мавжуд муаммолар ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар ўрганиб таҳлил қилингани ҳолда, соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: жиноятчилик, қийноқ, криминалистик ҳисоб, ашёвий далил, экспертиза хулосаси.

Бугунги кунда жиноятларнинг содир этилиш усуллари йилдан-йилга мукамал кўриниш ҳосил қилаётган бир даврда, суд экспертнинг хулосаси иш бўйича асосий далиллардан бири сифатида эътироф этилиши тобора оддий холга айланиб бормоқда. Маълумки ҳар қандай содир этилган жиноятда жиноятчи шахс томонидан қандайдир кўринишда излар қолади. Бу жиноятчи шахснинг айрим шахсий сифатларига, хусусан жиноятчи шахснинг ушбу турдаги жиноятларни содир этишдаги “тажрибаси”га кўп жиҳатдан боғлиқ. Табиийки айтилган бир турдаги жиноятни бир неча маротаба содир этган шахс ўзидан имкон қадар из қолдирмасликка, бошқачароқ айтганда “тоза” ишлашга ҳаракат қилади. Бироқ криминалистика фани таълимотидан маълумки, жиноятлар умуман из қолмаслиги деярли имконсиздир. Зеро, жиноят излари нафақат жиноятчи шахсдан қолиши ва (ёки) жиноятчи шахснинг ўзида ҳам қолиши мумкин [1, Б.32].

Ҳодиса содир бўлган жойни сифатли кўздан кечириш, ундан жиноятга алоқадор бўлган ашёвий далилларни олиш, ҳар бир тергов-тезкор гуруҳи ходимига, хусусан мутахассис сифатида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга жалб қилинган эксперт-криминалистика бўлинмаси ходимидан ҳам юксак билим ва кўникма талаб этади. Зеро, ҳодиса содир бўлган жойдан ашёвий далил олинмаслиги ёки сифатсиз олиниши мазкур содир этилган жиноятни очилмаслигига ёхуд жиноятни очиш учун масъул мансабдор шахслар томонидан қонунга зид бўлган бошқача қарорлар,





хусусан терговга жалб қилинган шахсларга нисбатан хар хил турдаги қийноқлар содир этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Сўнги йилларда мамлакатимиз Ички ишлар органларида олиб борилаётган изчил ўзгаришлар натижасида ички ишлар тизими чинакам халқчил тузилмага айланиб бормоқда. Тизимда қонунга зид бўлган хатти-ҳаракатлар содир этилишига қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмагани каби тизимда балки, тажрибасизликдан ва (ёки) бошқа сабаб жиноятларни очиш учун айрим ходимлар томонидан қийноқлар қўлланилаётганлиги маълум бўлади.

Фикримизча, жиноятларни очиш жараёнида хар-хил турдаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга, хусусан қийноқларга чек қўйишнинг ягона йўли бу – ашёвий далиллар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда бу соҳага замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш ҳисобланади. Зеро, ҳодиса содир бўлган жойдан ашёвий далиллар сифатли олинса ва мазкур ашёвий далилларга асосан экспертиза жараёнида илмий асосланган хулоса расмийлаштирилса, хар қандай жиноятчи шахс ҳам айбига иқроп бўлишдан ўзга чораси қолмаслигини тушунади.

Айни мазкур вазифаларни сифатли амалга ошириш мақсадида, мамлакатимизда сўнги йилларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-122-сонли қарори юқоридаги фикримизнинг тўлақонли исботи бўлаолади [2]. Зеро мазкур Қарор билан Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятида мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлди ва ҳозир ҳам ушбу жараён давом этмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинган мазкур қарор асосида Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика фаолиятининг моддий техник базаси тубдан яхшиланиб, соҳага энг замонавий криминалистик техник воситалар кириб келишига эришилди. Ўз навбатида мазкур техникалар ёрдамида ҳодиса содир бўлган жойдан ашёвий далиллар олиш жараёни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Агар буни рақамларда кўрадиган бўлсак қуйидагиларга гувоҳ бўлиш мумкин: 2022 йилда эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан ҳодиса содир бўлган жойдан сифатли излар олиш кўрсаткичи 2021 йилнинг мос даврига кўра 15.1%га ошган [3].





Ҳодиса содир бўлган жойдан ашёвий далиллар олиш ортар экан табиийки бу экспертиза ўтказиш жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Гарчи, жиноят-процессуал қонунчилигида эксперт хулосаси бошқа турдаги далилларга нисбатан ҳеч қандай устунликка эга эмаслиги назарда тутилган бўлсада, айрим ҳолларда айнан эксперт хулосасининг ишни мазмунан ҳал қилишдаги аҳамиятини инкор этиб бўлмайди [4, Б.64].

Сўнги йилларда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган туб ўзгаришлар натижасида содир этилган жиноятларни очиш ва тергов қилишда шунингдек, шахснинг жиноят содир этилишида айблилик масаласини ҳал қилишда ашёвий далилларнинг аҳамияти ва ўрни йилдан йилга ортиб бормоқда. Бунга мисол тариқасида мамлакатимизнинг янгиланган конституциясининг қуйидаги:

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас[5] деган мазмундаги қонуннинг мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин. Бош қомусимизга киритилган мазкур ўзгариш, жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, айбсиз инсонларнинг жавобгарликка тортилишини олдини олишга, айни пайтда, жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади [6].

Миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизга, хусусан бош қомусимиз бўлмиш конституцияга киритилган мазкур ўзгаришлар ўз навбатида ҳар бир содир этилган жиноят ишларини тергов қилишда шахснинг айблилик масаласини қуйидаги:

- илмий асосланган фактлар;
- ашёвий далиллар бўйича олинган экспертиза хулосалари;
- марказлашган криминалистик ахборот қидирув тизимларининг асосланган маълумотномалари асосида исботланиши лозимлиги заруратини кун тартибига қўймоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бугунги инсон қадрини устувор бўлган Янги Ўзбекистонда одил судловга шахснинг айблилик масаласини илмий асосланган далиллар асосида исботламасдан туриб эришиб бўлмаслигини ҳар бир масъул мансабдор шахс англаши ва ўз фаолиятида дастуриламал қилиб олиши лозим.





Фойдаланилган адабиётлар:

1. Карепанов Н.В. “Криминалистическое использование следов” // Сибирское юридическое обозрение. 2019. Том 16, № 3.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-122-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг 2021-2022 йилларда амалга оширилган ишлар бўйича статистикаси.
4. Болтаев. Ҳ.Х., Урозбаев С.О., Байзаков. Қ.К., Астанов..И.Р., “Жиноят ишини юритишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари”// услубий қўлланма Т.2016 – б.4
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/6445145>.
6. Sobirov F.B. Xatshunoslik ekspertizasini tayinlash jarayonida mavjud muammo va echimlar.// Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya (ilmiy-amaliy konferensiya) URL: <https://in-academy.uz/index.php/zdift/article/view/10165/7339> – Т. 2023. В. 58-60.

